



ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАРНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Маткабулова Дилором Халилulloевна

PhD, katta ўқитувчи e-mail: d.matkabulova1987@gmail.com

ARTICLE INFORMATION

Volume: 1

Issue: 2

DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss2/a8

ABSTRACT

Маколада дунё туризм индустриясидаги сўнгги йиллардаги ўзгаришлар, унга ва Ўзбекистонда туризмнинг ривожланишига COVID-19 пандемиясининг таъсири оқибатлари, шунингдек, Ўзбекистонда коронакризис инқирозидан чиқиш жараёнидаги ислохотлар таҳлил қилинган ҳамда туризм хизматлари экспортини янада ошириш орқали мамлакат экспортини ривожлантиришга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Туризм, туризм индустрияси, экспорт, туристик хизмат, COVID-19 пандемияси, инқироз, имтиёз, турист

KEYWORDS

Кириш

Туризм соҳаси субъектларининг инвестицион харажатларини молиялаштириш амалиётига таъсир этаётган омиллар бўйича ўтказилган таҳлилларга кўра республикада туризм соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган бир қатор долзарб муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатди. Бу борадаги ана шундай долзарб муаммолардан бири бўлиб, молиялаштириш манбаларининг етишмаслиги ҳисобланади.

Республикада қimmatли қoғoзлар бoзoрининг ривoжланиш даражасининг паст эканлиги, туризм соҳасидаги инвестицияларнинг ташаббускорларида пул oқимининг заиф эканлиги молиялаштириш манбалари етишмаслиги муаммосини чуқурлашишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида қimmatли қoғoзлар бoзoрининг ривoжланиш даражасининг паст эканлиги қimmatли қoғoзларни сотиш йўли билан олинган пул маблағлари ҳисобидан инвестицияларни молиялаштириш ҳажмини ошириш имконини бермайди. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида қimmatли қoғoзлар бoзoридаги айланманинг йиллик ҳажмини ҳозирги 200 миллион АҚШ долларидан кейинги беш йилда 7 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди. Бунинг учун давлат корхоналарини хусусийлаштириш, давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улушини 60 фоизгача етказиш вазифаси қўйилган.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар, пировард натижада, капитал бoзoрини ривoжлантиришга ва банкларо рақoбат муҳитини яхшиланишига олиб келиши керак. Бу эса, инвестиция лoйиҳaларининг молиявий ресурс таъминотини яхшиланишига олиб келади.

Туризм соҳасида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг пул oқимини заифлиги пул маблағларининг жорий активлар ҳажмидаги салмоғини кичик эканлиги билан изоҳланади. Бу эса, ўз навбатида, ушбу субъектларда пул маблағлари кирими билан чиқими ўртасидаги мутаносибликни таъминланмаганлиги билан изоҳланади.

Корпоратив молияда капиталнинг реал баҳоси маблағларни жалб қилиш учун сарф қилинадиган вақт ва риск омилларини ҳам ўз ичига олади.

Шу билан бирга, эътибор қаратиш талаб этиладиган даражада мураккабликлар, аниқлик даражасини пасайтирувчи объектив ва субъектив омиллар мавжудлигига қарамасдан капитал ёки унинг алоҳида компонентлари баҳосини аниқлаш, ҳеч бўлмаганда тахминий баҳосини белгилаш муҳимдир.

Туризм соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолардан яна бири – бу инвестиция лoйиҳaлари билан боғлиқ бўлган рискларни бошқариш амалиётини такомиллашмаганлигидир.

Инвестиция лoйиҳaлари тўла қувватда ишламаслиги уларнинг техник-иқтисодий асосномасида кўрсатилган кўрсаткичлар билан ҳақиқатдаги кўрсаткичлар ўртасида жиддий фаркланишларни юзага келишига олиб келади. Бундай ҳолатнинг юзага келишининг асосий сабаб бўлиб, маркетинг тадқиқотларини сифатли олиб бoрилмаганлиги ҳисобланади.


Технологик рискларни юзага келиш сабаблари бўлиб, технологик ускунани нотўғри танлаш, технологик қарорларни қабул қилишдаги хатоликлар, инновацион лoйиҳaни экспертизасидаги хатоликлар ҳисобланади.

Технологик рисклар тўлиқ инсон омили билан боғлиқ бўлиб, инвестиция лoйиҳaсининг самарадорлигига фавқулодда кучли таъсир кўрсатади. Технологик рисклар таъсирида бутун бошли бир объект йўқ бўлиб кетиши мумкин. Дунё амалиётида, шу жумладан, Ўзбекистон амалиётида технологик рисклар туфайли юзага келган йўқотишларга қўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Сардоба сув омборининг ўпирилиб кетиши технологик рискка ёрқин мисол бўла олади.

Миллий валютанинг кескин қадрсизланиши натижасида бенефициарнинг миллий валютадаги маблағлари хориждан импорт қилинадиган ускуналарнинг тўловини амалга ошириш учун етарли бўлмай қолади. Айниқса, миллий валютаси узоқ йиллардан буён қадрсизланиб келаётган Ўзбекистон учун молиявий рисклар долзарб аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг мақсади

Тадқиқотнинг асосий мақади Ўзбекистон экспортини ривожлантиришда туризм индустрияси ҳиссасини ошириш ва уни



3.1-расм. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмида муаммоли кредитларнинг салмоғи

қўллаб-қувватлашнинг методологик асосларини аниқлашдан иборатдир.

Материаллар ва тадқиқот усуллари

Мазкур тадқиқотнинг асосий манбалари Жаҳон сайёҳлик ташкилоти, Бутунжаҳон туризм ва саёҳатлар кенгаши, жаҳоннинг Интернет-манбалари, Ўзбекистон Республикасининг расмий статистик ва ҳуқуқий ахборотлари манбалари ҳисобланади.

Мавзу юзасидан тадқиқотларни олиб боришда иқтисодий ҳодиса ва воқеликларни ўрганишнинг илмий усуллари – таққослаш, таҳлил ва синтез баҳолаш, гуруҳлаш, умумлаштириш, кузатув, абстракт-мантикий фикрлаш каби усуллари қўлланилди.

Олинган натижалар

Дунё туризм индустриясида рўй бераётган ўзгариш ва ривожланишларга ҳамоҳанг равишда ҳамда мавжуд имконият ва салоҳиятлар асосида Ўзбекистонда экспорт ҳажмини оширишда туризм индустриясининг иштирокини оширишга доир чора-тадбирларни таҳлил қилиш натижалари қуйидаги имкониятларни тақдим этди:

- “2020 йилда халқаро туристик оқим ўтган йилга нисбатан 1 млрд. кишига ёки 73 %га камайиб кетди, бунинг оқибатида 1,3 трлн. АҚШ долларига тенг туризм хизматлари экспортидан даромад ҳамда 120 млн.гача бўлган иш ўринлари йўқотилишига олиб келди. Туризм экспортидан қўрилган зарар 2009 йилдаги глобал иқтисодий инкироздан 11 марта юқори бўлди. Буларнинг барчаси 2020 йилни бутун кузатув тарихидаги халқаро туризм учун энг ёмон йил деб аташга имкон беради”, - дейилади UNWTO баёнотида .

- UNWTOнинг таъкидлашича, саёҳат чекловлари, айниқса, оғир бўлган Осиё-Тинч океани минтақасида пандемия туризмга энг катта зарар етказди. Бу ерга келганлар сони 2020 йилда 300 млн.га ёки 84 %га камайди. Яқин Шарқ ва Африкада пасайиш 74%, Европада 70%га камайди. Шу билан бирга, саёҳатлар сонининг 2019 йил билан таққослаганда энг катта пасайиши Европа қитъасида қайд этилган – 500 млн. киши. Америкада чет эллик сайёҳлар келишининг камайиши 69%ни ташкил этди ;

- жаҳонда 2019 йилда юқори ривожланиш чўққисида бўлган туризм сектори бўйича харажатларнинг тақсмоти 28,7 %и халқаро ва 1,3 %и ички туризм харажатларини, 21,4 %и бизнес мақсадларидаги, 78,6 %ини дам олиш мақсадларидаги туризм харажатларини ташкил этган ;

- Ўзбекистонда 2020 йилда экспорт ҳажми 15,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 2,4 млрд. АҚШ долларига камайди. 2021 йилнинг олти ой даврида эса экспорт ҳажми 7,1 млрд. АҚШ долларига тенг бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,8 млрд. АҚШ долларига ошди. Бироқ, шу даврда туризм хизматлари экспорти 44,7 млн. АҚШ долларига камайиб, 158,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди ;

- Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ – OECD, Organisation for Economic Co-operation and Development) маълумотларига қўра, 2021 йил ёзида ички туризм 2019 йилгача бўлган даражада тикланиши мумкин, лекин, халқаро туризм эмас . Сабаби, ташқи туризми тикланиши ва ривожланиши купгина омиларга боғлиқ;

- Ўзбекистонда коронавирус пандемияси бошланган даврдан буён барча соҳалар каби туризм соҳасини ҳам тиклаш ва ривожлантириш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Бунинг амалий натижалари соҳага оид ҳуқуқий асосларнинг такомиллаштирилиши, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга доир қўллаб-қувватлаш ва преференцияларнинг тақдим этилаётганлиги, қулай инфратузилма яратиш ва инвестицияларни жалб этиш бўйича мақсадли дастурларнинг амалга оширилаётганлиги, ҳусусан, “2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси”нинг қабул қилиниб, самарали ижроси устидан қатъий назорат таъминланганлиги яқин истиқболда туризм индустриясининг янада янги қирралар билан ривож топиши ҳамда туризм хизматлари экспортининг сезиларли даражада ўсиб боришига хизмат қилади.

Таҳлиллар ва уларни муҳокама қилиш

Республикаимиз тижорат банклари депозитларининг умумий ҳажмида узоқ муддатли депозитларнинг кичик салмоққа эга эканлиги кузатишмоқда. Масалан, республикаимизнинг йирки тижорат банкларида (ТИФ Миллий банки, Саноатқурилишбанк, Асакабанк ва Ипотекабанк) 2021 йилнинг

31 декабр ҳолатига, бир йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи эса, атиги 21,4 фоизни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, давлат дастурлари доирасида берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик миқдори катта бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан Молия вазирлиги давлат дастурлари доирасида берилган ва қайтмаган кредитларни тижорат банкларига қайтариш вазифасининг юкланганлиги банкларнинг ликвидлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади.

3.1-расм маълумотларидан кўринадики, 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий ҳажмида муаммоли кредитларнинг салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига қўра, ушбу кўрсаткичнинг амалдаги даражаси унинг умумэтироф этилган даражасидан (3,0%) сезиларли даражада юқори бўлган. Ушбу ҳолатлар тижорат банкларининг ликвидлигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради.

2021 йил 1 январь ҳолатига муаммоли кредитларнинг таркибида иқтисодиёт тармоқлари кесимида саноатнинг улуши 28 фоизни, савдо ва умумий овқатланиш 13 фоизни, қишлоқ хўжалиги 11 фоизни, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш 8 фоизни, қурилиш 5 фоизни, транспорт ва коммуникация, моддий ва техник таъминотни ривожлантириш 1 фоизни ҳамда бошқа соҳаларнинг улуши 32 фоизни ташкил этди.

3.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида макроиқтисодий монетар
индикаторлар

(фонзда)

Монетар индикаторлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Инфляциянинг йиллик даражаси	14,3	15,1	11,1	10,0
Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси	16,0	16,0	14,0	14,0
Тижорат банкларининг миллий валютада берилган кредитларининг ўртача йиллик фонз ставкаси	20,5	24,2	22,3	20,8

Куйидаги жадвал маълумотлари орқали тижорат банклари кредитларининг фонз ставкаси даражасига баҳо берамиз.

3.1-жадвал маълумотларидан кўринадики, республикамизда 2018-2021 йилларда инфляция йиллик даражасининг пасайиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, миллий пул тизимининг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ролини ошириш нуктаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

3.1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2018-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси пасайиш суръатига эга бўлган. Бу эса, мазкур давр мобайнида инфляция даражасининг пасайиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади.

3.1-жадвал маълумотларидан кўринадики, республикамизда 2019-2021 йилларда тижорат банкларининг миллий валютада берилган кредитларининг ўртача йиллик фонз ставкасини пасайиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, ушбу давр мобайнида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини пасайиш суръатига эга бўлганлиги билан изоҳланади.

Тараққий этган мамлакатларнинг тижорат банклари депозитларининг етарлиги таъминланган бўлиб, талаб қилиб олинган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи, одатда, 30 фонздан ошмайди. Бунинг устига, мазкур банкларнинг жорий ликвидлиги, асосан Ҳукуматнинг қимматли қўғозларига қилинган инвестициялар ҳисобидан таъминланади. Масалан, 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига, Бэнк оф Америка активларининг умумий ҳажмида ҳукуматнинг қимматли қўғозларига қилинган инвестицияларнинг салмоғи 11,1 фонзини ташкил этди.

Хулоса ва тақлифлар

Туризм соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган куйидаги долзарб муаммолар аниқланди:

* молиялаштириш манбаларининг етишмаслиги;

* туризм соҳасида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг пул оқимини заифлиги;

* инвестиция лойиҳалари билан боғлиқ бўлган рискларни бошқариш амалиётини такомиллашмаганлиги;

* туризм соҳаси субъектларининг тижорат банкларининг кредитларидан фойдаланиш даражасининг паст эканлиги (тижорат банкларида узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги; банкларда муддати ўтган кредитлар миқдорининг катта эканлиги; кредитларнинг фонз ставкаларини юқори эканлиги; туризм соҳаси субъектларининг кредит тўловига лаёқатлилик даражасининг паст эканлиги).

* туризм соҳасида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг инновацион фаолиятини ривожланмаганлиги.

Туризм соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган куйидаги тақлифлар ва тавсияларни ишлаб чиқдик:

1. Туризм соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш жараёнидаги асосий рискларни (молиявий рисклар, лойиҳа ташаббускорлари билан боғлиқ рисклар ва лойиҳани амалга

ошириш рисклари) бошқаришни такомиллаштириш ва туризм хизматлари экспортининг инфратузилмасини яхшилаш йўли билан туризмни экспортдаги улушини ошириш лозим.

2. Инвестицияларни молиялаштиришнинг инновацион шакллари ва усуллари (хиссали иштирок шаклидаги молиялаштириш, венчурли молиялаштириш, қопланмаган ва чақириб олинмайдиган ҳужжатлаштирилган аккредитивлардан фойдаланиш, кредитларни бонификация қилиш) туризм соҳасидаги инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш амалиётига қўллаш орқали инфратузилма объектларини молиялаштириш ҳажминини ошириш зарур.

3. Туризм соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш жараёнида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиётининг самарадорлигини ошириш мақсадида инновацион технологияларни жорий қилиш бўйича мақсадли дастурларни молиялаштириш, инновацион инвестиция лойиҳаларини амалга ошираётган субъектларга молиявий имтиёзлар бериш, туризмни ривожлантиришга қаратилган фундаментал ва амалий тадқиқотларни молиялаштириш мақсадида бериладиган давлат грантлари миқдорини кўпайтириш лозим.

4. Туризм соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини кредитлаш ҳажминини ошириш мақсадида кредитлашнинг мавжуд шаклларида (кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш, синдицияли кредитлаш, алоҳида ссуда ҳисобрақамидан бир маротабали кредитлаш) комплекс фойдаланишни йўлга қўйиш керак.

5. Молиявий ресурслар тақчиллиги шароитида туризм соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ижтимоий (янги иш ўринлари, ҳудуд инфраструктураси), иқтисодий (молиявий иқтисодий кўрсаткичлар), бюджет (солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар) самарадорлигини ягона алгоритмик ёндашув орқали комплекс баҳолаш орқали ташкил қилишга устуворлик бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ушбу жараёнларни рақамлаштириш, умумий ҳамма учун шаффоф бўлган омилларни белгилаб олиш, лойиҳаларни ҳудудий, бюджет, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлиги нуктаи-назаридан аниқ кўрсаткичларни белгилаб олиш ҳамда бунда инновацион ишланмалардан ҳам самарали фойдаланиш жоиз.

6. Туризм соҳасида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг қимматли қўғозларни муомалага чиқариш йўли билан узоқ муддатли молиявий ресурслар жалб қилиш амалиётини такомиллаштириш мақсадида, биринчидан, инфляциянинг мўътадил даражасига эришиш (йиллик 3%) ва миллий валютанинг девальвациясига барҳам бериш йўли билан корхоналар томонидан чиқариладиган қимматли қўғозларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлашга қўмаклашиш лозим; иккинчидан, инвесторларнинг корхоналарнинг узоқ муддатли қимматли қўғозларидан олинган даромадлари солиққа тортилмаслиги керак.

Reference:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий маълумотлари. // <https://stat.uz/>
2. <https://ru.aznations.com/population/es>
3. В 2021 году Испанию посетят 45 млн туристов. // https://chelindustry.ru/left_prom2.php?tt=3&rr=5&ids=2532
4. Турпоток в Испанию в 2020 году упал на 77%. // <https://www.interfax.ru/world/749454>
5. <chrome-extension://efaidnbmnnnibpcajpcglclefindmkaj/viewer.html?pdf>.

-
6. <https://www.tohology.com/hospitality/industry/economic-impact-of-travel-tourism/>
 7. <https://www.fdiintelligence.com/article/80019?>
 8. Егорова Л.И., Еделькина А.Г., Климанов Н.Р. Динамика международной торговли услугами в контексте цифровой трансформации общества. DOI: 10.34670/AR.2020.39.81.053. Economics: Yesterday, Today and Tomorrow. 2020, Vol. 10, Is. 8A. Стр. 464-471. С. 465.
 9. Симачев Ю. В., Данильцев А. В., Федюнина А. А. и др. Россия в меняющихся условиях мировой торговли: структурный взгляд на новое позиционирование // Вопросы экономики. 2019. № 8. С. 5-29.
 10. <https://www.tadviser.ru/index.php>. 2020/12/19